ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МАЛИКОВА НИЛУФАР НУСРАТУЛЛАЕВНА

ОДДИЙ ҲУСНБУЗАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ

14.00.11 – Дерматология ва венерология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 616.53-002.25-008.9-036-07:575

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Маликова Нилуфар Нусратуллаевна
Оддий ҳуснбузар ривожланишининг клиник-биокимёвий
ва молекуляр-генетик механизмлари 3

Маликова Нилуфар Нусратуллаевна
Клинико-биохимические и молекулярно-генетические
механизмы развития вульгарных угрей 19

Malikova Nilufar Nusratullaevna
Clinical biochemical and molecular genetic mechanisms
of the development of acne vulgaris 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….. 38

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МАЛИКОВА НИЛУФАР НУСРАТУЛЛАЕВНА

ОДДИЙ ҲУСНБУЗАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ

14.00.11 – Дерматология ва венерология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib347 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Арифов Саидкасим Сайдазимович,** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ваисов Адхамжон Шавкатович,** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Гильдиева Маргарита Сабировна, биология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: tashpmi@mail.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қ. Н. Хаитов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д. И. Ахмедова,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда жаҳонда оддий ҳуснбузар билан касалланганлар сони ортиб бормоқда. Касаллик оғир кечиши ва беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши билан характерланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «...касаллик ўғил болаларда кўпроқ учрайди, унинг авж олиши қиз болаларда 14–16 ёш, ўғил болаларда эса 16–17 ёшга тўғри келади, ўсмирлар ва ёшлар орасидаги тарқалганлик кўрсаткичи 80% га етади»[1]. Маълумотларга кўра, «...оддий ҳуснбузар қишлоқ жойларида шаҳарга нисбатан камроқ учрайди, 20% беморларда оддий ҳуснбузарнинг ўрта оғир ва оғир кечиши кузатилади, 25% да, кўпинча, постакне симтокомплекси ривожланади»[2]. Касаллик тарқалганлигининг юқорилиги, ўз навбатида, унинг ривожланиш хавфини башоратлаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга имкон берувчи генетик маркерларни ўрганиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида оддий ҳуснбузар касаллигининг ривожланиш хавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва унинг олдини олиш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оддий ҳуснбузар ривожланишидаги этио-патогенетик хавф омилларини ўрганиш, номзод генлар аллел ва генотипик вариантларининг турли популяцияларда касаллик шаклланиши ва клиник кечишидаги аҳамиятини баҳолаш ҳамда даволаш алгоритмларини такомиллаштириш замонавий илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Оддий ҳуснбузар ривожланиш хавфини эрта ташхислаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида хавф генларининг аллел ва генотипик вариантларини аниқлаш ҳамда керакли даволаш тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, аҳолида учрайдиган тери касалликларини тўғри ва эрта ташхислаш, самарали даволаш орқали уларнинг асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «....аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш»[3] вазифалари белгиланган. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, тери-таносил касалликлари ривожланиш хавфини генетик ташхислаш ва даволаш бўйича янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

---

[1] United Nations, 2015. www.who.int/maternal

[2] Spencer E. H., Ferdowsian H. R., Barnard N.D. Diet and Acne, Int. J Dermatol. 2009; 48(4): pp. 339–347.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, оддий ҳуснбузар (ОҲ) касаллигининг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиши тўлиқ ўрганилмаган. ОҲ касаллигининг юзага келиши ва ривожланишида пероксидли оксидланиш, азот оксиди ва антиоксидант фаоллик жараёнларининг иштироки ўрганилган. Бунда аксарият беморларда малондиальдегид даражасининг ортиши ва супероксиддисмутаза, каталаза ва глютатионнинг фаоллиги пасайиши кузатилган. Ўзгарган кўрсаткичлар касалликнинг клиник шакли, оғирлиги ва давомийлигига боғлиқ бўлган. Олинган натижалар касалликни даволашда антиоксидантларни киритиш имконини берган (Al-Shobaili H.A., 2014).

ОҲга чалинган беморларда азот оксиди даражаси кам ўрганилган ва уларнинг натижалари бир-бирига зид. Агар айрим муаллифлар (Al-Shobaili H.A., 2013) карболен, малондиальдегид ортиши фонида азот оксидининг ишончли даражада ($P<0,05$) юқори миқдорини аниқлаган бўлсалар, бошқалар (Sarici G., 2010) азот оксиди миқдорининг назорат гуруҳи натижаларидан статистик жиҳатдан ишончли фарқ қилмаслигини эътироф этганлар. Азот оксиди жуда кўп физиологик жараёнларда иштирок этади. Унинг миқдори ортиб кетса, липопероксидация жараёнини кучайтириб юборади, бу эса ОҲнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Сўнгги вақтларда ОҲнинг шаклланишида асосий эътибор генларнинг ўзаро боғлиқлигига, шу жумладан, CYP17A1 ва CYP1A1 генлари полиморфизмига қаратилмоқда. Чунки бу генлар ОҲ ривожланишини ишга туширувчи омил – андрогенлар, хусусан, тестостерон биосинтезида иштирок этувчи муҳим ферментлардан бири бўлган P450 цитохромини кодлайди. Маълумки, гомозиготли ген CYP17A1 Хитой ва Эрон популяцияларида ОҲ оғир турларининг келиб чиқиш хавфини оширади, лекин индонезиялик беморларда CYP17A1 ва CYP1A1 генлари полиморфизми ОҲ оғир турларининг келиб чиқишида хавф-омили ҳисобланмайди (He L., 2006; Chamaie-Nejad F, 2018; Anwar A.I., 2013). Европалик олимлар Paraskevidas A. ва Sobjanek M. (2015) тадқиқотларида ҳам ушбу полиморфизм ва грек ва поляк популяцияларида ОҲнинг ривожланиши ўртасида боғлиқлик йўқлиги маълум бўлди. Шундай

экан, тестостерон метаболизмининг генли бошқарилиши беморларнинг миллатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Юқорида келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, ОҲ касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, хасталикнинг юзага келиши, ривожланиши ва уни даволаш самарадорлигини ошириш муаммоси дерматовенерологларнинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти режасига мувофиқ «Ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқариш» (2017–2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ОҲ ривожланишининг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОҲ ривожланишини юзага келтирувчи омилларни аниқлаш ва касалликнинг клиник кечишини ўрганиш;

ОҲли беморларда CYP17A1 (rs 743572) ва CYP1A1 (rs 4646421) генлари полиморфизмининг аллел ҳамда генотипик вариантлари учраши даражасини аниқлаш;

ОҲ шаклланиши ва клиник кечишида CYP17A1 ва CYP1A1 генларининг ген-ген тарзидаги ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

Demodex folliculorum туридаги каналар билан бирга кечувчи ОҲ шаклланишида генетик маркерларнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш;

ОҲ билан касалланган беморларда азот оксиди ҳолатини аниқлаш;

ОҲ билан касалланган беморларни даволаш усулини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015–2018 йилларда Республика тери-таносил клиник касалхонасида ҳамда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббий маркази назоратида бўлган 165 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва қон зардоби биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун, тошма ажралмалари эса микробиологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида умумклиник, биокимёвий, микробиологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОҲ ривожланишига боғлиқ ксениобиотиклар биотрансформациясининг биринчи фазаси ҳамда жинсий гормонлар метаболизмида иштирок этувчи CYP1A1 ва CYP17A1 генлари аллел ва генотип вариантларининг учраш даражаси аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб шахсларда ОҲ шаклланиши хавфи ва клиник кечиши унинг бошқарувчи CYP17A1 (rs 743572) генининг полиморфизми билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор ўзбек популяциясида ОҲ шаклланиши хавфи ва клиник кечиши механизмидаги жинсий гормонлар метаболизми, А витамини ва ёғ безлари секрециясини бошқаришда CYP17A1 (rs 743572) + CYP1A1 (rs4646421) ген-

ларининг ген-ген тарзидаги ўзаро аддитив боғлиқлиги аниқланган;

CYP17A1 генининг G/G салбий генотипик варианти *Demodex folliculorum* туридаги каналар билан бирга кечувчи ОҲ ривожланишида мойил омил эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ОҲли беморлар қон зардоби ва зарарланган тери ўчоғида азот оксиди миқдорининг ортиши касалликнинг клиник шакли, кечиш даражаси ва касаллик муддати билан боғлиқлиги аниқланган;

генетик текширувлар асосида ОҲ касаллигининг шаклланиш хавфи ва клиник кечишини самарали башоратловчи янги мезонлар ишлаб чиқилган;

биокимёвий кўрсаткичлар асосида ОҲ билан касалланган беморларни даволашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, материалларга статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида CYP17A1 ва CYP1A1 генларининг ассоциаяланганлиги, уларнинг маҳсулотлари ОҲ ривожланиши билан стероид гормонлар дисбалансида бевосита иштирок этиши ҳақидаги янги маълумотларнинг олинганлиги билан изоҳланади. Олинган маълумотлар ОҲ ривожланишидаги жинсий гормонлар метаболизмининг генетик асослари ҳақида фундаментал тушунчалар шаклланишига катта ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти генетик тадқиқотлар асосида ОҲнинг шаклланиш хавфи ва клиник кечишини самарали башоратлашнинг янги мезонлари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади. Биокимёвий тадқиқотлар асосида ОҲ муолажасининг патогенетик усули такомиллаштирилган бўлиб, у касалликни даволаш муддатини камайтириш, қайталаниш сонини қисқартириш, беморлар ҳаёти сифатини кўтариш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ОҲ ривожланишининг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик механизмларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Оддий ҳуснбузарни азот оксиди ҳолатини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг самарадорлиги» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 8н-д/300-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОҲ қайталаниш сонини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаниш муддатини қисқартиришга хизмат қилган.

ОҲ ривожланишининг клиник-биокимёвий механизмларини аниқлаш

бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Самарқанд ва Бухоро вилояти тери-таносил касалликлари диспансерлари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 6 январдаги 8н-з/1-сонли маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ОҲ билан касалланганларни даволашнинг такомиллаштирилган услубини қўллаш орқали касалликнинг қайталаниш сонини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги ифода этилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тақдиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Оддий ҳуснбузар касаллигининг патогенези ва уни даволаш борасидаги замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, маҳаллий ва хорижий манбалар асосида ОҲ эпидемиологияси, патогенези, клиникаси ва уни даволашнинг замонавий жиҳатлари баён этилган. Баён қилинган материаллар асосида диссертациянинг долзарблиги асосланган ва мазкур диссертация ишида ўрганилиши талаб этилган қатор масалалар аниқланган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморлар клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг умумий тавсифи келтирилган ва ишда қўлланилган тадқиқот усулларининг лаборатор-инструментал усуллари қайд этилган. ОҲга чалинган 165 нафар бемор клиник-лаборатор текширувдан ўтказилган. Беморларнинг аксарият қисми (37,6%) 11 ёшдан 18 ёшгача бўлганларни ташкил этди, беморларнинг 52,1 фоизи эркаклардан, 47,9 фоизи аёллардан иборат бўлди. Касаллик муддати таҳлил қилинганида кўпчилик беморларнинг (33,9%) касалликка чалинганига 3 йилдан 5 йилгача бўлгани аниқланди. Касаллик

ривожланишининг бошланиши сабабини 116 нафар бемор (70,3%) айта олди ва сабабларнинг аксарияти сифатида эмоционал-стресс ҳолатлар (23%) ҳамда овқатланиш тартибининг бузилиши (20,6%) тилга олинди. Аввал ўтказилган касалликлар таҳлили натижасида кўпчилик беморлар нафас йўллари (25,4%) ҳамда ошқозон-ичак (22,4%) касалликлари билан оғриганлари маълум бўлди. Ўтказилган клиник-лаборатор тадқиқотлар 92 нафар (55,75%) беморда ёндош патологияларни аниқлаш имконини берди.

Юқори нафас йўллари инфекцияси 33 нафар (20%), ошқозон-ичак йўли патологияси 26 нафар (15,75%), қалқонсимон без касалликлари 15 нафар (9,09%), нейроциркулятор дистония ва эмоционал-стрессли ҳолатлар 10 нафар (6%) беморда ҳамда гинекологик касалликлар 8 нафар (4,8%) беморда аниқланди.

Дерматовенерологга мурожаат қилгунга қадар 24 нафар (14,5%) бемор ўзини ўзи даволашга ҳаракат қилган. 165 нафар бемордан 115 нафари (66,7%) турли шаклда даволанишган, 50 нафари (30,3%) умуман даволанмаган. Аксарият, яъни 59 нафар (35,7%) бемор маҳаллий, 29 нафар (17,6%) бемор тизимли препаратлар қабул қилган бўлса, 27 нафари (16,4%) комбинацияланган даво олган.

Молекуляр-генетик усул – 165 нафар беморнинг вена қонидан ажратиб олинган ДНК тадқиқоти ўтказилди. Назорат гуруҳини CYP1A1 гени учун 161, CYP17A1 гени учун 97 нафар дерматологик анамнези мавжуд бўлмаган соғлом донорлар ташкил этди. Танлаб олинганлар жинс ва ёш жиҳатдан қиёсланиши мумкин бўлиб, улар ўртасида қариндошлик алоқаси мавжуд эмас эди. Ассоциациялар таҳлили «ҳолат-назорат» ва «ҳолат-ҳолат» тури бўйича икки танланганни қиёслаш ёрдамида ўтказилди. Периферик қондан ДНК ажратиб олиш учун фенол-хлороформ экстракциясининг мослаштирилган усули қўлланилди (Sambrook J., 1989). Генотиплаштириш «Синтол» (Россия) фирмасининг реагентлар тўпламидан фойдаланиб, ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ ўтказилди. Амплификация Rotor-Gene 6000 (Corbett Research, Австралия) термоциклери ёрдамида амалга оширилди.

Олинган натижаларга статистик ишлов беришда OpenEpi 2009, Version 2.3. статистик дастурлар тўплами қўлланилди.

Азот оксиди даражаси П.П.Голиков ва ҳаммуаллифлар (2000) усулига мувофиқ нитратлар ва нитритлар (NO_2ва NO_3) метоболитлари йиғиндиси бўйича аниқланиб, ОҲга чалинган 79 нафар беморнинг қон зардоби ва патологик ўчоғида тадқиқ қилинди.

Жароҳат ўчоқларида *Demodex folliculorum* туридаги каналар мавжудлиги микробиологик усулда аниқланди. Олинган натив препарат «Leica» микроскопида 7х8 баробар катталаштириб кўрилди. Каналарни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш учун 10х, 20х баробар катталаштирадиган объективлар қўлланди. Битта ёки ундан ортиқ кана топилганда натижа ижобий баҳоланди.

Диссертациянинг **«Оддий ҳуснбузарга чалинган беморларнинг клиник характеристикаси»** деб номланган учинчи бобида ОҲга чалинган 165 нафар бемордаги касалликнинг клиник шакли ва тери патологик жараёнларининг оғирлик даражаси бўйича клиник тавсифи келтирилган. Plewig G.,

Kligman A.M., Jansen J.J. (2000) классификациясига мувофиқ ОҲ клиник кўринишини тадқиқ қилиш орқали касалликнинг қуйидаги: комедон, папуло-пустулёз, конглобатли шакллари аниқланди.

Клиник материалларни таҳлил қилиш асносида ОҲнинг барча шакллари орасида комедонли шаклнинг энг кўп (46,1%) учраши аниқланди. Ҳуснбузарнинг папуло-пустулёзли шакли 44,2% беморда, конглобатли шакли эса 9,7% беморда аниқланди.

165 нафар бемордан 73 тасида тери-патологик жараён чегаралланган характер касб этди ва кўпроқ юз, пешона, чакка ва ияк соҳаларида учради, 92 нафар (55,8%) беморда эса тарқалган характер эга бўлди.

Ўтказилган даволаш тактикаси, касалликнинг башорати ОҲ кечишининг оғирлигига боғлиқ ва шунинг учун ОҲ натижаларини яхшилаш бўйича Глобал альянс томонидан тавсия этилган калассификация (Thiboutot D., Gollnick H., Bettoli V., etal; 2009) бўйича беморлар 3 гуруҳга бўлинди: енгил, ўртача ва оғир. Касаллик кечишининг енгил даражаси 59 (35,7%), ўрта даражаси 64 (38,8%) ва оғир даражаси 42 (25,4%) нафар беморда аниқланди. Касалликнинг оғир шакли аёлларга нисбатан (7,9%) кўпроқ эркакларда (17,57%) учради.

Диссертациянинг **«Оддий ҳуснбузарга чалинган беморларнинг молекуляр-генетик тадқиқоти»** деб номланган тўртинчи бобида ОҲга чалинган беморлар ва назорат учун танланган шахсларда CYP1A1 генининг 4646421 ва CYP17A1 генининг rs 743572 полиморфизми аллеллари и генотипларининг тақсимланиш частотаси ўрганилди.

Тадқиқ этилаётган генлар полиморфизми аллел ва генотиплари тақсимланиш частотасининг ОҲ клиник кўринишига боғлиқлигини ўрганиш учун беморлар касалликнинг оғирлик даражасига кўра 3 гуруҳга бўлинди: касалликнинг енгил даражаси билан 59 нафар, ўрта даражаси билан 64 нафар ҳамда оғир даражаси билан 42 нафар бемор касалланган (1-расм).

CYP1A1 гени rs 4646421 полиморфизми аллел ва генотипик вариантларининг ОҲга чалинган беморлар гуруҳи ва кичик гуруҳи, шунингдек, назорат танлови гуруҳи ўртасида тақсимланиш частотаси шуни кўрсатдики, ОҲга чалинган беморлар ва шартли равишда соғлом донорлар орасида T мутант аллели учраш частотаси бўйича статистик жиҳатдан фарқ аниқланмади (χ^2=0,6; P=0,4; OR=1,2; 95% 0,784-1,74 да тегишли равишда 19,4% га 17,1% бўлди). CYP1A1 гени rs 4646421 полиморфизми генотипик вариантлари таҳлили C/C ёввойи типининг гомозиготли варианти частотаси популяцион танланганлар вакилларида беморлар гуруҳига нисбатан сезиларсиз равишда устунлик қилганини кўрсатди (χ^2=0,6; P=0,4; OR=0,8; 95% CI 0,52-1,3 да тегишли равишда 67,7% га 63,6%). Бу, эҳтимол, тадқиқ этилаётган гуруҳларда T/T минорли генотипнинг паст частотаси билан изоҳланади (χ^2=0,1; P=0,7; OR=1,3; 95% CI 0,266-7,107 да тегишли равишда 1,9% га 2,4%).

Шундай қилиб, CYP1A1 гени rs 4646421 полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари учраш частотасида ОҲ касаллигига чалинган беморлар гуруҳлари ва шартли соғлом донорлар ўртасида статистик жиҳатдан ишончли фарқ аниқланмади (χ^2<3,8; p>0,05). Мазкур геннинг ОҲ ривожланиши ва клиник кечишидаги мустақил ҳиссаси аҳамиятсиз.



1-расм. ОҲли беморлар гуруҳи ва назорат гуруҳида CYP1A1 гени rs 4646421 полиморфизми аллел ва генотипларининг тақсимланиш частотаси

CYP17A1 гени rs 743572 полиморфизми аллеллари ва генотиплари частотасининг ОҲга чалинган беморлар гуруҳи ва назорат танлови гуруҳидаги таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган. Асосий ва назорат гуруҳида A ва G аллеллари частотаси тегишли равишда 56,7% ва 43,3% га 80,4% ва 19,6% ни ташкил қилди. Статистик ишлов беришда G салбий аллелининг ташувчилик частотасида сезиларли фарқ кузатилди ва у назорат гуруҳида статистик жиҳатдан ишончли тарзда юқори бўлди (χ^2= 30,5; p<0,05; OR=3,1; 95% CI 2,07-4,75).

1-жадвал

ОҲли беморлар гуруҳи ва назорат гуруҳида CYP17A1 гени rs 743572 полиморфизми аллел ва генотипларининг тақсимланиш частотаси

Т/р	Гуруҳ	n*	Аллеллар частотаси				Генотиплар тақсимланиш частотаси					
			A		G		A/A		A/G		G/G	
			N	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ, n=165	330	187	56,7	143	43,3	56	33,9	75	45,4	34	20,6
а	Оғир даража, n=42	84	18	21,4	66	78,6	2	4,8	14	33,3	26	61,9
б	Ўрта даража, n=64	128	70	54,7	58	45,3	13	20,3	44	68,7	7	10,9
в	Енгил даража, n=59	118	99	83,9	19	16,1	41	69,5	17	28,8	1	1,7
2	Назорат гуруҳи, n= 97	194	156	80,4	38	19,6	65	67,0	26	26,8	6	6,2

Тадқиқ қилинган беморлар ва назорат гуруҳларида A/A, A/G ва G/G генотипларининг частотаси қуйидагича бўлди: 33,9%, 45,4% ва 20,6% га тегишли равишда 67,0%, 26,8% ва 6,2%. A/G гетерозиготли генотип частотаси ОҲга чалинган беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан ишончли тарзда кўтарилади (тегишли равишда 45,4% га 26,8%). Имкониятлар нисбати

коэффициентига мувофиқ мазкур генотип мавжудлигида ОҲ ривожланиш хавфи 2,3 мартадан зиёд ортади (χ^2=9,0; p=0,003; OR=2,3; 95% CI 1,321-3,92).

ОҲга чалинган беморлар гуруҳида (20,6%) G/G салбий гомозиготли генотип частотаси ҳам назорат гуруҳига (6,2%) нисбатан ишончли тарзда ортади. Имкониятлар коэффициенти нисбатига мувофиқ мазкур генотипнинг мавжудлигида ОҲ ривожланиш хавфи χ^2=9,8; p=0,002 да OR=3,9 мартадан зиёд (95% CI 1,587-9,761) ортади. A/A ёввойи генотипи частотаси ОҲга чалинган беморлар орасида назорат гуруҳига нисбатан ишончли тарзда кам чиқди (χ^2=26,9; p<0,05; OR=0,2; 95% CI 0,148-0,43 да тегишли равишда 33,9% га 67,0%), бу эса ушбу генотипнинг мазкур патология шаклланишига нисбатан ҳимоя эффекти мавжудлигидан далолат беради.

Шунга мувофиқ, CYP17A1 гени rs 743572 полиморфизмида ўтказилган таҳлил A/G ва G/G генотипларининг ОҲ шаклланиши ассоциациясини аниқлашга имкон берди. A/A генотип варианти ҳимояловчи маркер ҳисобланади ва ОҲ ривожланишининг хавф даражаси пастлиги билан ассоциацияланади.

Шуниси қизиққи, касаллик оғирлиги даражасига боғлиқ ҳолда CYP17A1 гени rs 743572 полиморфизмининг тақсимланиши ҳам юқори ишончлилик билан ажралиб турди. Имкониятлар нисбати коэффициентига асосан, оғир даражадаги ОҲ ривожланишининг хавфи G/G генотипи мавжудлигига 24 мартадан кўп ошади (χ^2=51,3; p<0,05; OR=24,6; 95% CI 8,75-69,35). Ушбу полиморфизмнинг гетерозиготли генотип частоталари бўйича ўрганилаётган гуруҳлар фарқланмаган (мос равишда 33% га 26,8%; χ^2=0,6; p=0,4; OR=1,4; 95% CI 0,62-2,9)

Шундай қилиб, CYP17A1 гени rs 743572 полиморфизмининг мойиллик ва протектив вариантлари ташувчиси билан ОҲ ривожланиш хавфи ва клиник кечиши орасида аҳамиятли боғлиқлик аниқланди. A/G ва G/G генотип вариантлари ОҲ ривожланиш хавфининг ошганганлиги, A/A варианти эса пастлиги билан ассоциацияланади.

Салбий генотиплар ва ОҲ шаклланиши бирикмаси ассоциациясининг таҳлили rs 743572 CYP17A1, rs 4646421 CYP1A1 ген локуслари салбий генотиплари миқдори билан ОҲ шаклланиши ҳамда клиник кечиши ўртасида бевосита алоқа мавжудлигини кўрсатди. ОҲ ва унинг оғирлик даражалари ҳамда мазкур генлар «протектив» генотиплари ташувчиси ассоциациясининг таҳлили шу каби ўзаро алоқанинг патология шаклланишига нисбатан аддитив самараси мавжудлигини кўрсатди.

Demodex folliculorum туридаги кана мавжуд бўлган ва мавжуд бўлмаган ОҲга чалинган беморлар гуруҳларида CYP17A1, CYP1A1 генлари аллел ва генотипик вариантлари тақсимланишининг таҳлили ўтказилди. 72 нафар беморда *Demodex folliculorum* («DF+») туридаги кана билан зарарланиш аниқланди. Уларнинг 20,8% (15/72) ОҲ нинг енгил, 36,1% (26/72) – ўрта ҳамда 43,1% (31/72) – оғир даражасига чалинган беморлар эди. *Demodex folliculorum* туридаги каналар мавжуд бўлган беморларнинг умумий миқдори 54,2% (39/72)ни ташкил қилди. Уларнинг 53,3% (8/15) ОҲнинг енгил, 61,5% (16/26) – ўрта ҳамда 48,4% (15/31) – оғир даражасига чалинган беморлар бўлди. *Demodex folliculorum* туридаги каналар мавжуд бўлмаган («DF-») бе-

морларнинг умумий миқдори 45,8% ни ташкил этди. Уларнинг 46,7% (7/15) ОҲнинг енгил, 38,5% (10/26) – ўрта ҳамда 51,6% (16/31) – оғир даражасига чалинган беморлар бўлди.

«DF+» ва «DF-» ОҲ беморлари орасида rs 743572 полиформизмининг CYP17A1 гени аллеллари ва генотипларини ўрганиш ёрқин тенденцияни кузатиш имкони борлигини кўрсатдики, бунда салбий G/G генотипи *Demodex folliculorum* туридаги кана билан асоциацияланган ОҲ ривожланиш хавфига мойиллик таъсир кўрсатади (мос равишда 23,1% га 9,1%). «ОҲ + DF» нисбий хавфи χ^2=2,5; p=0,1 да RR=2,5; 95% CI 0,74-8,61 га, имкониятлар нисбати эса χ^2=2,5; p=0,1 да OR=3,0; 95% Cl 0,73-12,18 га тенг бўлди.

Агар CYP17A1 генининг G/G генотипик варианти жинсий гормонлар дисбаланси маркери эканлигини ҳисобга олсак, жинсий гормонлар ишлаб чиқариш регуляциясининг бузилиши ёғ безлари секрет ажратишининг кучайишига олиб келади ва, шу тарзда, мазкур генетик вариант ташувчисининг терисида *Demodex folliculorum* туридаги каналарнинг тез урчиши учун қулай муҳит шаклланади. Демак, айнан шу ҳолат *Demodex folliculorum* туридаги кана билан ассоциацияланган ОҲ шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **«Оддий ҳуснбузар билан касалланган беморлар қон зордоби ва терисида азот оксиди ҳолати»** деб номланган бешинчи бобида ОҲга чалинган беморларда азот оксиди (NO) ҳолати тадқиқ этилди. Боиси илмий адабиётларда ОҲ билан оғриган беморларда мазкур ҳолат кам тадқиқ этилган бўлиб, натижалар ҳам бир-бирига зид (Al-Shobaili H.A., 2013; Sarici G., 2010).

Қон зардоби ва теридаги NO даражаси ОҲ билан оғриган 14 дан 32 ёшгача бўлган 79 нафар беморда тадқиқ этилди. Улардан 44 нафарини эркаклар, 35 нафарини эса аёллар ташкил қилди. Назорат гуруҳини эса худди шу ёшдаги 14 нафар соғлом одам ташкил қилди. 79 бемордан 24 нафарида (30,4%) ОҲ кечишининг енгил даражаси, 28 нафарида (35,44%) ўрта даражаси, 27 нафарида (34,16%) оғир даражаси қайд қилинди. ОҲга чалинган беморлар қон зардобида азот оксиди тадқиқи натижалари беморлар қон зардобидаги NO даражаси (15,59±0,49 мкмоль/л) соғлом шахсларникига нисбатан (9,46±0,23 мкмоль/л) статистик жиҳатдан ишончли (p<0,01) тарзда юқори бўлишини кўрсатди.

Қон зардобидаги азот оксиди миқдорини касаллик даражасининг оғирлигига боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш енгил даражадаги беморларда мазкур кўрсаткич 11,12±0,34 мкмоль/л ни ташкил қилиши ҳамда статистик жиҳатдан ишончли (p<0,05) тарзда назорат гуруҳи кўрсаткичидан (9,46±0,23 мкмоль/л) фарқ қилишини кўрсатди. ОҲ даражасининг оғирлашишига мувофиқ тарзда NO кўрсаткичи ортиши кузатилди ҳамда хасталикнинг ўрта оғирлик даражасида азот оксиди 14,40±0,18 мкмоль/л ни, оғир даражасида 19,6±0,44мкмоль/л ни ташкил этиб, назорат кўрсаткичидан статистик жиҳатдан ишончли тарзда (p<0,01) фарқ қилди.

Тери-патологик жараённинг давомийлигига боғлиқ ҳолда қон зардобидаги азот оксиди миқдорини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, касаллик даври бир йилгача бўлган беморларда NO даражаси 12,46±0,79 мкмоль/л (p<0,05)

ни, 1 йилдан 3 йилгача бўлган беморларда 14,5±0,70 мкмоль/л (p<0,01) ни, 3 йилдан 5 йилгача бўлган беморларда 15,29±0,67 мкмоль/л (p<0,01) ни ташкил этди. NO даражасининг энг юқори кўрсаткичи ОҲнинг 5 йилдан зиёд бўлган муддатида аниқланиб, у 20,7±1,00 мкмоль/л (p<0,01) га тенг бўлди.

Тадқиқот натижалари, умуман олганда, ОҲ билан касалланган беморларда яллиғланган жароҳат ўчоқларида NO даражаси назорат гуруҳига (3,29±0,11 мкмоль/л) нисбатан статистик жиҳатдан ишончли (p<0,01) ортишини (12,39±0,26 мкмоль/л) кўрсатди.

ОҲ кечиши оғирлигига боғлиқ ҳолда NO миқдорининг таҳлилида касалликнинг енгил даражаси билан оғриган беморларнинг жароҳат ўчоғидаги NO миқдори 9,86±0,20 мкмоль/л ни ташкил қилгани ва кўрсаткичнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларидан (3,29±0,11) статистик жиҳатдан ишончли (p<0,01) фарқ қилгани аниқланди. NO миқдори ўрта даражада 12,06±0,20 мкмоль/л ни, оғир даражада эса 15,2±0,29 мкмоль/л ни ташкил этди ва бу кўрсаткичлар соғлом шахслардаги кўрсаткичдан статистик жиҳатдан ишончли (p<0,01) фарқ қилди. Демак, касаллик кечишининг барча даражаларида беморларнинг жароҳат ўчоғидаги NO миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан ишончли (p<0,01) тарзда ортгани кузатилди.

ОҲга чалинган беморлар жароҳат ўчоғида NO миқдори касаллик даврига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилганда (M±m), NO миқдори касаллик муддати бир йилгача бўлган даврда 11,90± 0,46 мкмоль/л ни ташкил этгани аниқланди. Касаллик муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлганда мазкур кўрсаткич 12,38±0,41 мкмоль/л ни, касаллик муддати 3 йилдан 5 йилгача бўлганда 11,83±0,52 мкмоль/л ни ва касаллик муддати 5 йилдан зиёд бўлганда 13,76±0,63 мкмоль/л ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида NO кўрсаткичи 3,29±0,11 мкмоль/л ни ташкил этди, яъни касаллик даври муддати ортгани сайин NO миқдори ишончли тарзда ошиб борди.

Жароҳат ўчоғи бўлмаган, яъни «кўринишдан соғлом бўлган тери»да NO даражасининг тадқиқи NO миқдори статистик жиҳатдан ишончли (p<0,01) ошганини кўрсатди, беморлардаги ўртача кўрсаткич 4,97±0,12 мкмоль/л ни ва назорат гуруҳи кўрсаткичи 3,29±0,11 мкмоль/л ни ташкил этди (p<0,01).

NO миқдори дерматознинг енгил даражасида (3,84±0,10 мкмоль/л, p<0,05), ўрта даражасида (4,72±0,08 мкмоль/л, p<0,01), оғир даражасида (6,4± 0,09 мкмоль/л, p<0,01) назорат гуруҳи кўрсаткичи (3,29±0,11 мкмоль/л) дан статистик жиҳатдан ишончли тарзда юқори бўлгани кузатилди.

Шундай қилиб, ОҲ касаллигига чалинган беморларда қон зардоби, яллиғланган жароҳат ўчоқлари ҳамда кўринишдан соғлом бўлган теридаги NO миқдори статистик жиҳатдан ишончли тарзда юқори бўлиб, касаллик даражаси оғирлиги ва муддати ошишига мувофиқ тарзда мазкур кўрсаткич параллел равишда ортиб боради.

Диссертациянинг **«Оддий ҳуснбузар касаллиги билан оғриган беморларни даволашнинг клиник самарадорлиги»** деб номланган олтинчи боби ОҲга чалинган беморларни даволашни такомиллаштириш ва қўлланилаётган даволаш усули таъсирида азот оксиди ҳолатини ўрганишга бағишланган.

Такомиллаштирилган даволаш усули самарадорлигини ўрганиш учун

беморлар 2 гуруҳга ажратилди.

Беморларнинг биринчи гуруҳи 87 нафардан иборат бўлиб, уларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дерматовенерология бўйича текшириш ва даволаш стандартиларига мувофиқ (2017 йил) даво чоралари белгиланди. Мазкур даволаш усули витаминли даволаш (аскорбин кислотаси, В гуруҳи витаминлари, токоферол ацетат, ретинол ацетат), кўрсатмалар бўйича антигистамин препаратлар, ўрта ва оғир даражаларда тизимли антибиотиклар ва маҳаллий қўллаш учун антибиотиклардан иборат.

Иккинчи гуруҳ 78 бемордан иборат бўлиб, уларга стандарт даволаш усули билан биргаликда ичга қабул қилиш учун «Мексидол» (125 мг) таблеткаси ва ташқи қўллаш учун «Дерива С» гели (адапален + клиндамицин) ҳамда «Фатидерм» тоники буюрилди. «Мексидол» (антиоксидант препарати)ни 1 та таблеткадан кунига 3 маҳал ичиш, ташқи қўллаш учун «Фатидерм» тоникини жароҳат ўчоғига кунига тўрт марта сепиш тавсия қилинди. Мазкур гуруҳдаги беморларга касалликнинг енгил даражасида гель кўринишида («Дерива» гель) адапален, ўрта ва оғир даражасида эса адапален+клиндомицин – «Дерива С» гель буюрилди. Препаратни жароҳат ўчоғига – тозаланган ва қуруқ терига кунига бир мартадан кечқурун суртиш тавсия қилинди. Даволаш давомийлиги касалликнинг клиник кўринишига караб белгиланди, тизимли терапияни беморлар препарат йўриқномасига кўра давом эттиришди. Махаллий даводан элементлар сўрилиб кетгунга қадар фойдаланилди. Даволашни объектив баҳолаш учун беморларнинг иккала гуруҳи жинс, ёш ва тери-патологик жараённинг оғирлигига кўра бир-бирига мос тарзда танланди.

Такомиллаштирилган даволаш усули таъсирида тошманинг тери-патологик элементлари (комедонлар, папулалар, пустулалар, тугун ва яллиғланишлар) анъанавий даволаш усулига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли тарзда эртароқ ($p<0,05$) бартараф этилди. Агар комедонлар даволашнинг ўртача 6,67 кунида йўқолган бўлса, такомиллаштирилган даволаш усулида мазкур кўрсаткич 6,09 кунни ташкил қилди. Анъанавий даволаш усулида папулалар – 7,03, пустулалар – 9,10, тугунлар – 12,48, яллиғланишлар – 15,69 кунда йўқолди. Такомиллаштирилган даволаш усулида эса ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 6,54; 7,90; 11,65; 14,65 кунни ташкил қилди.

ОҲ оғирлиги даражасига боғлиқ ҳолда тошма элементларининг бартараф этилиш муддати таҳлили анъанавий даво турига нисбатан такомиллаштирилган даволаш усули таъсирида уларнинг статистик жиҳатдан ишончли тарзда эртароқ бартараф этилишини кўрсатди.

Такомиллаштирилган усул бўйича даволаш натижасида клиник соғайиш 28 (35,9%) нафарни ташкил этди ҳамда анъанавий даволаш усулига нисбатан 19 (21,3%) нафар) статистик жиҳатдан ишончли ($p=0,04$) фарқ қилди. Бунда таклиф этилаётган усул бўйича клиник соғайиш анъанавий усулга нисбатан OR 2,0 ($\chi^2=4,0$) ни ташкил этди. Анъанавий усулда даволанган гуруҳда аҳволи сезиларли даражада яхшиланган беморлар сони 42 (48,3%) нафарни ташкил этгани ҳолда такомиллаштирилган даволаш усулида мазкур кўрсаткич 32 (41,0%) нафар бўлиб, OR 0,7 ($\chi^2=0,9$, $\chi^2=0,3$) га тенг бўлди. Анъанавий даво-

лаш усулида 26 нафар (29,9%) беморда аҳволнинг яхшиланиши кузатилди, такомиллаштирилган даволашда эса бу кўрсаткич 18 нафар (23,1%)ни ташкил қилди (OR=1,4, χ^2=1). Шундай қилиб таклиф этилган усулда клиник соғайган беморлар сони кўпроқ қайд этилди.

Ўтказилаётган даволаш усулида турли ножўя таъсирлар ҳам қайд қилинди. Биринчи гуруҳдаги 87 нафар беморнинг 14 (16,1%) нафарида қуйидаги ножўя таъсирлар кузатилди: ошқозон-ичак тракти томонидан 8 нафар беморда диспепсик бузилишлар (меъда қайнаши – 9 нафар, метеоризм ва кўнгил айниши – 3 нафар, диарея – 2 нафар), аллергик тошмалар 4 нафар, бош оғриғи 2 нафар беморда кузатилди. Такомиллаштирилган даволаш усулида эса 8 (10,2%) нафар беморда салбий таъсирлар кузатилди: ошқозон-ичак йўли томонидан 5 нафар беморда диспепсик бузилишлар (меъда қайнаши – 1 нафар, сурункали гастритнинг кучайиши – 1 нафар, кўнгил айниши – 1 нафар, қабзият – 1 нафар, диарея – 1 нафар), аллергик тошмалар 2 нафар, мигрень кучайиши 1 нафар беморда кузатилди.

Анъанавий усулда даволанган беморларда клиник ремиссия 6 ойдан ортиқни ташкил қилиб, ўртача ҳисобда 7,2 ойга тенг бўлди. Такомиллаштирилган усулда даволанган беморларда эса клиник ремиссия 8 ойдан зиёдни ташкил этиб, ўртача ҳисобда 9,1 ойга тенг бўлди. Даволашдан 9 ой кейин биринчи гурухда 31%, иккинчи гурухда 17.9% рецидив холати кузатилди. Даводан 2 йил кейинги кузатувда ушбу кўрсаткичлар куйидагича бўлди: биринчи гурух -56%, иккинчи гурух -35%.

Шундай қилиб, ОҲни даволаш натижалари шуни кўрсатдики, даволашнинг таклиф этилаётган такомиллаштирилган усули тери-потологик жараённинг бартараф этилиш муддати, даволаш натижалари ва салбий таъсирлар частотасига кўра анъанавий даволаш усулидан устун туради.

ОҲга чалинган беморлар қон зардоби ва терисининг шикастланган қисмидаги азот оксиди кўрсаткичига қўлланилаётган даволаш усулларининг таъсирини тадқиқ қилиш натижасида анъанавий даволаш усулида NO кўрсаткичи даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан пасайишга мойил эканлиги маълум бўлди ($p>0,05$). Бу анъанавий даволаш усули ОҲга чалинган беморларнинг NO кўрсаткичларида аниқланган бузилишларнинг тикланишида кутилган ижобий самарани бермаслигидан далолатдир.

Такомиллаштирилган даволаш усулининг қўлланилиши ОҲга чалинган беморлар қон зардобидаги азот оксиди миқдорини (даволашгача бўлган 15,69±0,68 мкмоль/л дан даволашдан кейинги 12,85±0,59 мкмоль/л гача, $p<0,01$) даволанишгача бўлган кўрсаткичга нисбатан сезиларли даражада пасайтиришга эришиш имконини берди. Таъкидлаш жоизки, такомиллаштирилган даволаш усулининг қўлланилиши анъанавий даволаш усулига қараганда қон зардобидаги азот оксиди кўрсаткичларида аниқланган бузилишларнинг тикланишида ижобий самарага эга.

Терининг шикастланган жойларидаги азот оксиди миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, такомиллаштирилган даволаш усули таъсирида у статистик жиҳатдан ишончли (7,76±0,36 мкмоль/л, $p<0,01$) тарзда даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан (12,31±0,37) камайди. Анъанавий даволаш усу-

лида бундай кўрсаткичлар статистик жиҳатдан фарқ қилмади (даволашгача – 12,49±0,37мкмоль/л ва даволашдан кейин – 10,48±0,35).

Шундай қилиб, даволашнинг такомиллаштирилган усули клиник самарадорлик ҳамда қон зардоби ва терининг шикастланган жойларидаги азот оксиди миқдори бўйича анъанавий усулдан сезиларли равишда фарқ қилиб, уни ОҲни даволашда кенг амалий қўллаш учун тавсия қилиш мумкин.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижасида ва олинган маълумотлар асосида қўйидагича хулосаларга келинди:

1. ОҲли беморларда аксарият ҳолларда касалликнинг комедонли тури (46,1%) ва ўрта оғирлик даражаси (38,8%) ташхисланади. Кўпинча, касалликнинг сабабчиси эмоционал-стрессли ҳолатлар (23%) ва нотўғри овқатланиш (20,6%) ҳисобланади. Юқори нафас йўллари сурункали инфекцияси (20%) ва ошқозон-ичак йўли касалликлари (22,4%) йўлдош патологиялар орасида устунлик қилади.

2. CYP17A1 гени rs 743572 полиморфизмининг мойиллик ва протектив вариантлари ташувчиси билан ОҲ ривожланиш хавфи ва клиник кечиши орасида аҳамиятли боғлиқлик аниқланди. A/G ва G/G генотип вариантлари ОҲ ривожланиш хавфининг ошганганлиги, A/A варианти эса пастлиги билан ассоциацияланади. Бундан ташқари CYP17A1 генининг G/G генотипик варианти ОҲнинг *Demodex folliculorum* туридаги каналар билан ассоциацияланган шакли ривожланишида сезиларли даражада ҳисса қўшади.

3. ОҲга чалинган беморлар гуруҳи ва шартли соғлом гуруҳлар орасида CYP1A1 гени rs 4646421 полиморфизмининг учраш частотасида статистик жиҳатдан ишончли фарқ аниқланмади ($\chi^2<3,8$; $p>0,05$). Мазкур геннинг ОҲ ривожланиши ва клиник кечишида мустақил ҳиссаси сезиларли эмас.

4. CYP17A1 (rs 743572) + CYP1A1 (rs 4646421) генларининг полиморф вариантлари комбинацияси ОҲ ривожланиш хавфини келтириб чиқаришга мойил бўлиб, бу эса жинсий гормонлар метоболизми ва тери ёғ безларининг секрет ишлаб чиқаришини тартибга солишда ушбу генлар маҳсулотларининг эҳтимолий мураккаб синтроп ва тармоқли ўзаро таъсири мавжудлиги ҳақидаги концепцияга мос келади.

5. Оддий ҳуснбузарга чалинган беморлар қон зардоби ҳамда зарарланган терисида азот оксиди миқдорининг статистик жиҳатдан ишончли ортиши кузатилди ($p<0,01$), ушбу биокимёвий константа касаллик даражасининг оғирлиги ва муддати узайиши билан боғлиқ равишда ортиб борди.

6. Генлар полиморфизми тадқиқига асосланиб, ОҲ ривожланиш хавфи ва клиник кечишини башорат қилишнинг янги самарали мезонлари ишлаб чиқилди. Стандарт даволаш схемасига нисбатан тошмалар йўқолиш муддатини қисқартириш, беморлар катта фоизида клиник соғайишга эришиш, клиник ремиссия давомийлигини узайтириш ҳамда азот оксиди миқдорини пасайтириш имконини берувчи даволаш усули такомиллаштирилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ

МАЛИКОВА НИЛУФАР НУСРАТУЛЛАЕВНА

КЛИНИКО-БИОХИМИЧЕСКИЕ И МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ ВУЛЬГАРНЫХ УГРЕЙ

14.00.11 – Дерматология и венерология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/Tib347.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Арифов Саидкасим Сайдазимович,** доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ваисов Адхамжон Шавкатович,** доктор медицинских наук, профессор
	Гильдиева Маргарита Сабировна доктор биологических наук
Ведущая организация:	**Ташкентский государственный стоматологический институт**

Защита диссертации состоится «____» _____2020 г. в «_____» часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71–262–33–14, e-mail: tashpmi@mail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № _____) Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71–262–33–14.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____2020 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от _____2020 года).

А. В. Алимов,
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

К. Н. Хаитов,
ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.м.н.

Д. И. Ахмедова,
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы в мире отмечается рост количества больных, страдающих вульгарными угрями (ВУ). Заболевание характеризуется тяжелым течением и снижением качества жизни пациентов. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения, «…болезнь больше наблюдается у мальчиков, пик заболевания у девочек наблюдается в 14–16 лет, а у мальчиков в 16–17 лет. Распространенность среди подростков и лиц молодого возраста достигает 80%»[1]. Исследования показали, что «… в сельских местностях ВУ встречаются меньше, чем в городских, у 20% больных наблюдается среднетяжелое и тяжелое течение заболевания, у 25% развивается симптомокомплекс постакне…»[2]. Высокая распространенность болезни в свою очередь требует разработки мер по изучению генетических маркеров, позволяющих прогнозировать риск ее развития и усовершенствовать методы лечения.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям по выявлению рисков развития, раннего диагностирования вульгарных угрей, совершенствованию методов их лечения и профилактики. В этом направлении изучение этио-патогенетических факторов развития ВУ, оценка значения аллельных и генотипических вариантов кандидат генов в различных популяциях в формировании и клиническом течении заболевания, а также усовершенствование алгоритмов лечения остаются приоритетными направлениями современных научных исследований. Раннее диагностирование и прогнозирование риска развития и клинического течения вульгарных угрей на основе молекулярно-генетических и биохимических исследований, а также усовершенствование лечебных мероприятий являются актуальными проблемами которые стоят перед специалистами отрасли.

В нашей стране осуществляются меры по совершенствованию социальной защиты населения и системы здравоохранения, в частности раннему и точному диагностированию кожных заболеваний у населения, уменьшению их осложнений применением эффективных методов лечения. В комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения определены задачи по «…повышению доступности и качества оказания медицинских и социально-медицинских услуг для населения, формированию здорового образа жизни среди населения, укреплению материально-технической базы медицинских учреждений, дальнейшему реформированию сферы здравоохранения, в первую очередь, системы скорой и неотложной медицинской помощи, укреплению здоровья семьи, защите материнства и детства»[3]. В этом направлении важное значение имеет поднятие на новый уровень качества оказания медицинских услуг населению, в частности разработка новых подходов к генетической диагностике риска развития и лечению кожных и венерических заболеваний.

---

[1] United Nations, 2015. www.who.int/maternal

[2] Spencer E. H., Ferdowsian H. R., Barnard N. D. Diet and Acne, Int. J Dermatol. 2009; 48(4): pp. 339–347.

[3] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годах» и № УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также в других нормативно правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республики – VI. «Медицина и фармакология».

